O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 26 декабрь, шанба • № 100 (11.083) • Эркин нархда сотилади

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

А Х Б О Р О Т

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрда Тошкентда иш бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмокда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари 114-Қорадарё сайлов округидан Олий Мажлис депутати И.Теннинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсга олдилар.

Олий Мажлис сессия ишчи органи -- котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида молия вазири Р. Азимов маруза қилди. Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов шу масала юзасидан қўшимча маруза қилди.

1999 йилги Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А. Тожиев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш. Норбоева, Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Ўзбекистон социал демократик ''Адолат'' партиясининг биринчи котиби, Тошкентдаги биринчи Давлат тиббиёт институтининг ректори Т. Даминов, республика Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг раиси М. Собиров, Деҳқон ва фермер хўжаликлари республика уюшмаси раиси А.Бобомирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқди. У келгуси йилги Давлат бюджети лойиҳасининг мазмунини, бундан буён иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтириш, халқ турмуши даражасини ошириш, кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўзда тутилаётганини ҳар томонлама очиб берди. Президент солиқлар тизимини такомиллаштириш, бошқарув аппарати ва ички ишлар органларини сақлаб туришга харажатларни янада камайтириш, қуролли кучларни ислоҳ қилиш юзасидан кўзда тутилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталди, бу тадбирлар бюджет маблағи анча тежалишини таъминлайди ва тежалган маблағ ишлаб чиқариш соҳасига ажратилади. Шунингдек, у бюджет ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалари бўйича парламент қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова депутатларга Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш.Алланазаров, Урганч қурилиш коллежи директори И.Бойжонов, Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р.Обидов, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Эрматов нутқидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексини тасдиқлади.



Олий Мажлиснинг кечки йиғилиши Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни Олий Мажлиснинг Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик қўмитаси котиби Т.Усмонов депутатларга тақдим этди. Бу лойиҳани муҳокама қилишда Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, ''Ўзкоммунмаштаъминот'' ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори О. Мансуров, Толимаржон ГРЭСи қурилиш бошқармаси монтажчилари бригадири В. Южалкин иштирок этди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланди, уни умумхалқ муҳокамаси учун ''Халқ сўзи'' ва ''Народное слово'' газеталарида эълон қилишга қарор қилинди.

Парламентнинг иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маруза қилди. ''Ўзбекистон темир йўллари'' Давлат-акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими К. Ортиқов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов, республика Бизнес-фонди бошқаруви раиси А.Юсупов шу ҳужжат юзасидан сессия минбарига чиқиб, ўз фикрларини айтдилар. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоиловнинг Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ҳокими С. Мирзаев, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокими Ш.Исанов, Наманган вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш Мингбулоқ тумани инспекциясининг мудири К. Иззатиллаев иштирок этди. Депутатлар Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Сессияда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов Лизинг тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Навоий вилояти Томди тумани ҳокими А. Назаров, Фарғона вилоятидаги ''Қува-мебель'' акционерлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Муборак газ конлари бошқармаси бошлиғи Н. Зайниев иштирок этди. Депутатлар Лизинг тўғрисидаги қонунни биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра парламент Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатларга уни Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев тақдим этди. Шу қонун лойиҳаси юзасидан Фарғона вилояти Қува туманидаги Ш.Рашидов номидаги ''Анор'' жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М.Сайфитдинова сўзга чиқди. Олий Мажлис Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

* * *

25 декабрь куни Биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Депутатлар кун тартибидаги барча масалаларни кўриб чиқдилар. Шу билан сессия ўз ишини якунлади.

СУРАТДА: сессия мажлислар залида. А. ТЎРАЕВ ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

БЕЛЬГИЯ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

Европа Иттифоқи Кенгаши Бош котибиятидан олинган хабарга кўра, 1998 йилнинг 23 декабрида Бельгия парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тугаллади.

Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.

Бельгия Европа Иттифоқи Кенгашини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни расман ратификация қилгани тўғрисида хабар қилган ўн тўртинчи давлат бўлди.

«Жаҳон» АА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЯХШИЛИКНИ ҲАР КИМ ҚИЛМОҒИ КЕРАК

СЎНГГИ йилларда аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, бу борада вилоят Қизил Ярим Ой жамияти қатор тадбирларни амалга ошираётир. Тошкент туманида куни кеча бошланган хайрия ўн кунлиги ҳам ана шундай саҳоватли ишлардан биридир.

Маълумки, вилоятимиз меҳнаткашлари доимо ўзининг инсонпарварлик хислатлари билан ажралиб турган ва ночор кишилардан ўз меҳр-мурувватларини ҳеч қачон дариғ тутмаганлар. Масалан, йил бошида келган сув тошқинлари туфайли Чинозда 150та, Паркентда 120та ва Оққўрғонда 100дан ортиқ хонадон бошпанасиз қолганда Қизил Ярим Ой жамияти ходимларининг ғамхўрликлари катта бўлди. Аҳолини зарур кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлашда ўз мададларини асло аямадилар. Шунинг учун бу жамият жамғармасини кўпайтиришга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Шуни айтиш керакки, жамғармага тушган пул маблағлари табиий офатдан зарар кўрган кишиларга, серфарзанд, кам таъминланган оилаларга, аҳоли ўртасида соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга, ногиронларга, шунингдек, халқаро инсонпарварлик ёрдамларини уюштиришга сарфланади.

Юқорида айтилганидек тадбир ўн кун давом этади.

Вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган вакиллар Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банки, Меҳнат бўлимининг 00423 кодли 202120009001-01740001 ҳисоб рақамига ўртача 80 мингдан 200 минг сўмгача пул ўтказа бошладилар.

Ушбу хайрли тадбирда вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев ҳамда республика Қизил Ярим Ой жамияти раисининг муовини Зафар Муродовлар иштирок этдилар.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Ислом КАРИМОВ:

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВИЛОЯТЛАР, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ ҲОКИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

23 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида ислоҳотлар самарасини ошириш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари масъулиятини кучайтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишини жадаллаштириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

1998 йил ҳам охирлаб бормоқда. Агар ўтиб бораётган йил якунлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз, аввало, жорий йилда қўлга киритган ижобий натижаларимизга ҳаққоний баҳо бериб, шу билан бирга мавжуд муаммоларга, йўл қўйилган нуқсонларга танқидий ва холисона баҳо беришимиз зарур.

Йил якунларидан ўзимиз учун сабоқ ва тегишли хулосалар чиқариб олишимиз даркор. Ислоҳотлар йўлидан олға боришимизга нималар тўсиқ бўлаётганини билибанглаб, қайси масалалар ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш, қайси йўналишларга алоҳида куч ва ресурслар сарфлаш лозимлигини аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак.

Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш юзасидан қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, назаримда, **йилнинг энг муҳим натижаси -- бу шаклланган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши бўлди.**

Ўзбекистон иқтисодий барқарорлашувдан мустаҳкам иқтисодий ривожланишга ўтиш сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Дастлабки ҳисобкитобларга кўра, ўтаётган йил якунида ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми -- 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти -- 4,8 фоизга, чакана товар айланиши -- 12 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 9,5 фоизга ошган. Шу тариқа умуман иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида иқтисодий ўсиш тамойилини яққол кўриш мумкин.

1998 йилда ҳам, аввалги йилларда бўлганидек, қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига эришилди. Жорий йилда инфляция даражаси 22 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Биз нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 3,2 фоиз эмас, балки 3 фоиз камомад билан бажаришга эришдик.

Жорий йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати изчил амалга оширилди. Бу йил нефть ва газ конденсати, кўмир қазиб чиқариш ҳажмлари ўтган йилдагига нисбатан ошди.

Миришкор деҳқонларимиз бу йил 4,6 миллион тонна ғалла ҳосили етиштирдилар. Бу 1997 йилдагига қараганда қарийб 850 минг тонна кўп демакдир.

Инвестицион фаолият соҳасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилди. 1998 йилда 440 миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу рақам ўтган йилга таққослаганда 20 фоизга кўпдир. Қурилиш-пудрат ишларининг ҳажми 5,1 фоизга ортди.

Капитал маблағлар таркибининг ўзида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди -- **хорижий инвестициялар ҳиссаси 27,3 фоизга қадар ошди.** Жами капитал маблағларнинг 60 фоиздан ортиғи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди.

Натижада чет эл сармояси иштирокида:

-- Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш;

-- Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш;

-- Хўжаободдаги ер ости газ омборини;

-- Ангрендаги каолин заводининг биринчи навбатини;

-- Қўнғирот сода заводини;

-- ''СамКўчавто'', ''Паффен'', ''Косонсой-Текмен'' каби қўшма корхоналарни;

-- Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида аэропортларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди, Фарғонадаги ''Кимёвий тола'' ишлаб чиқариш бирлашмасида полиамид-6 ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди, Асака-Хўжаобод газ қувури фойдаланишга топширилди, Қизилқум фосфорит заводининг 1-навбати ишлай бошлади.

Кейинги йилларда эришилган бу каби ижобий ютуқлар иқтисодиётимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлади. Бунинг натижаси ўлароқ, энди биз вужудга келган иқтисодий вазиятни зудлик билан ечишга қаратилган қисқа муддатли йиллик дастурлар ўрнига, иқтисоднинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш ва тармоқларнинг ўртача муддатга мўлжалланган ривожланиш режаларига асосланган, аниқ мақсадлар сари йўналтирилган дастурларга ўтиш имконига эга бўлдик. Бу -- моҳият-эътиборига кўра, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги сиёсатимизда сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичдир.

Ўтиб бораётган йилнинг ўзидагина биз бир қатор ана шундай дастурларни қабул қилдик. Уларнинг айримларини сизларга эслатиб ўтмоқчиман. Бу дастурлар ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамиятимиздаги барча ислоҳотлар тақдири уларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Энг аввало, Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини, Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш дастурини, шунингдек, капитал қурилиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш тизими, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга қаратилган дастурларни айтиб ўтиш лозим. Давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб қилиш юзасидан махсус дастур қабул қилинди.

Бундан ташқари, бир қанча тармоқ ва ҳудудий йўналишдаги дастурлар ҳам ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мазкур дас-

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИДОРЛИ БЎЛИШ ЯХШИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ келгусида билимдон, кучли, доно ва бахтли бўлиши учун Қибрай туманида ҳозирнинг ўзидаёқ қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, тумандаги мактаб, лицей ва бошқа ўқув даргоҳларида илм олаётган иқтидорли ёшлар рўйхатга олиниб, ҳар ойда улар билан ҳокимиятда учрашув ўтказиш анъанага айлантирилди. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувга 200 га яқин иқтидорли ёшлар таклиф қилинди. Дилдан суҳбат бўлди. Истаклар, талаблар, муаммолар ўрганилди. Хусусан, 10 нафар иқтидорли ўқувчига ҳокимлик томонидан йиллик стипендия тайинланди. Шунингдек, ҳокимлик чет элга бориб ўқийдиган 5 нафар ўқувчининг харажатларини ўз зиммасига олди.

Ўтган йили туман мактабларини битирган ҳар уч ўқувчидан бири олий ўқув юртларига кириб ўқиш шарафига муяссар бўлган эди. Кўрилаётган янги чора-тадбирлар туфайли келгусида уларнинг сафи кенгаяди, чет элга бориб ўқийдиган талабалар сони ҳам кўпаяди.

Носир РИХСИЕВ.

ЧИҚИНДИДАН ҚИММАТЛИ МЕТАЛЛ

ЧИРЧИҚДАГИ «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасида катта ҳажмдаги қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. Қатор ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллаштирилмоқда. Янги замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар жорий қилинмоқда.

Корхонада копролактам, азот кислотаси ишлаб чиқаришдаги кимёвий реакцияларда турли хил ишқорлар ишлатилади. Уларнинг чиқиндилари таркибида фойдали моддалар, жумладан, қимматли металлар бўлади. Платиналар гуруҳига кирувчи бу чиқиндиларни ажратиб олиш катта самара бериши мумкин. Шунинг учун ҳам бирлашма жамоаси электроохангграбо технологиялар уюшмаси билан бу соҳада биргаликда иш олиб бормоқда. Бу муаммони ҳал қилиш валюта маблағларини тежашга олиб келади.

Собир ҲАМИДОВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВИЛОЯТЛАР, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ ҲОКИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

турлар етакчи тармоқлар ва бутун бир минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Қабул қилинган дастурларни баҳолар эканмиз, улар бизнинг ислоҳотлар йўлидан барқарор ва жадал боришимизнинг кафолатидир, деган фикрга келишимиз мумкин.

Мен нимага асосланиб бундай хулоса чиқаряпман? Агар содда қилиб айтадиган бўлсак:

Биринчидан, биз бугун дунёда ва юртимизда юзага келган шарт-шароитга, маданий ва маънавий ҳаётимиздаги, иқтисодиётдаги ўзига хос ўзгаришларга аниқ ва холис баҳо бермоқдамиз. Энг асосийси, биз жамиятимизни қайта қуриш ва янгилаш борасида нималарга эришганимиз ва яна нималар қилишимиз зарурлиги ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз.

Иккинчидан, биз олдимизга қўйган мақсадларимизни аниқ кўриб турибмиз ва бу мақсадлар сари собитқадамлик билан, оғишмай бормоқдамиз.

Учинчидан, биз ушбу мақсадларга ниманинг ҳисобидан, қайси имконият ва заҳиралар, қандай механизмлар ва услублар асосида етишишимиз мумкинлигини биламиз.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз бугун қандай аҳволда эканимизни, эртага нимага эришмоқчимиз ва энг муҳими, ушбу мақсадларга қандай қилиб эришиш мумкинлигини биламиз.

Буларнинг барчаси бугунги мураккаб, яъни ўтиш даврининг ҳали ечилмаган ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи салбий омиллар ҳам иқтисодиётимизга жиддий таъсир кўрсатаётган вазиятда ниҳоятда муҳимдир.

Гап нима ҳақида кетяпти?

Биринчидан, иқтисодиётимизнинг ҳолати ва самарадорлигига, бутун иқтисодий ислоҳотлар жараёнига дунё иқтисодиётида, Жанубий Шарқий Осиё, айниқса Россияда авжга чиққан, бутун дунё молия тизимини издан чиқариб фалаж қилган иқтисодий инқироз салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Очиқ эътироф этиш керак: эндиликда ана шу умумжаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари бир неча йиллар давомида бизга ҳам сезилиб туради.

Иккинчидан. Жаҳон бозорида хомашё ресурсларига, айниқса экспортимизнинг 60 фоизини ташкил қиладиган маҳсулотларга баҳо конъюктураси кескин пасайди. Энг аввало, бу жорий йилда жаҳон бозорида 25 фоиз пасайган пахта нархларига тегишлидир.

Кейинги беш йил мобайнида тилла баҳоси ҳам тушиб борди. Йил давомида 1 унция (31,2 грамм) тилла нархининг 300 доллардан ошмагани тарихда маълум бўлган чуқур иқтисодий зилзилалар давридан кейин биринчи марта содир бўлган ҳодисадир.

Худди шундай вазият бизнинг экспортимиз асосини ташкил этувчи рангли металлар, нефть маҳсулотлари ва бошқа хомашёлар баҳоларида ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, бу валюта тушумига, тўлов балансларига, алоҳида тармоқлар ишлаб чиқариш ривожига таъсир қилмай қолмайди.

Мамлакатимиз учун ана шундай жуда мураккаб шароитда валюта барқарорлиги бўйича кескин ва қатъий чоралар кўриш орқали ўта муҳим, айтиш мумкинки, стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлдик. **Яъни, ўтган йилги олтин заҳираси ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, йил охирида ижобий ташқи савдо ва тўлов балансига эришдик. Энг муҳими, ишончга сазовор, тўлов қобилиятига эга эканимизни яна бир бор тасдиқлаб, бу йил зиммамизга олган барча ташқи тўлов мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга муваффақ бўлдик.**

Учинчидан. Биз учун бу йил пахтачиликда жуда мураккаб ва сермашаққат бўлганини барчангиз яхши биласиз. Мўлжалга нисбатан 800 минг тоннага яқин пахта хомашёси кам тайёрланди. Агар толага чақсак, бу тахминан 250 минг тоннани ташкил этади.

Бу ҳол кўпгина хўжаликлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналарининг молиявий аҳволига, умуман бутун иқтисодимиз аҳволига қандай таъсир кўрсатганлигини, қанчалик зарар кўрганимизни сизлар тўғри тасаввур қиласиз, деб ўйлайман. Оқибатда анчагина ҳажмдаги валюта маблағи бой берилди.

Белгиланган режадан келиб чиқиб, йил давомида агротехник тадбирларни ўтказишга кўплаб маблағ сарфлаганимизни ҳам алоҳида ҳисоблаш лозим. Буларнинг барчаси хўжаликлар елкасига оғир юк бўлиб тушиб, уларнинг кўпчилигини жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқни молиявий қўллаб-қувватлаш, объектив сабаблар туфайли кўрилган зарарни қоплаш ва 1999 йилги янги мавсумга тайёргарлик учун зарур маблағлар топиш хусусида ҳукумат қарори тайёрланмоқда.

Муҳтарам мажлис аҳли!

Юқорида айтилганларнинг барчаси тараққиётимиз самарадорлиги ва суръатларига салбий таъсир кўрсатган ташқи омиллардир.

Энди ўзимизнинг ички муаммоларимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Уларнинг ечими аввало бизнинг ўзимизга, вазифада ўтирганларга, хизмат ваколати ва таъсир этиш кучига эга бўлган раҳбарларга, қолаверса, фуқаролик бурчини тўла англаб етадиган инсонларга боғлиқ.

Мен шу ўринда олға юришимизга тўғаноқ-тўсиқ бўлаётган сабаблар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу аввало ислоҳотларни ўтказиш суръатларига, ислоҳотларни амалга ошириш қай даражада ўз самарасини ва натижаларини бераётганлигига боғлиқ. Мен яна ва яна бир карра алоҳида таъкидламоқчиман:

биз ислоҳотларни ислоҳотлар учун эмас, шунчаки расмият учун, бажарилган иш ҳақида номига ҳисобот бериш учунгина ўтказмаяпмиз. Ҳаммамиз буни тушунишимиз шарт.

Ўзимиз учун яна ва яна бир бор аниқ англаб олишимиз зарурки, биз ислоҳотларни фақат инсон манфаатлари учун, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун, мамлакатимизни кучли ва барқарор қилиш учун ўтказяпмиз.

Бугун бизни ислоҳотлар ўтказиш суръатлари ҳам, натижалари ҳам қониқтирмаяпти. Энг муҳими эса, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишда бепарволикка, юзакичиликка ва лоқайдликка асло чидаб бўлмайди.

Иқтисодий муносабатлар барча даражаларда, биринчи навбатда қуйи бўғинларда секин ўзгараётганлигини тан олиш керак. Биз хусусий мулк, хусусий мулк эгалари, ишлаб чиқаришни ҳиссадорлик асосида ташкил этиш ҳақида кўп гапирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик ташкилотлар ва муассасаларнинг асосан шакли ва ташқи белгиларини жаҳонда эътироф этилган тушунчаларга қараб мослаштирмоқдамиз.

Ҳиссадорлик жамиятлари, корпорациялар, холдинг компаниялари, биржа ва ҳоказолар тузилмоқда. Аммо масаланинг туб моҳиятига қарайдиган бўлсак, ишни ташкил қилиш услублари ва тамойиллари, -- қайси соҳада, қайси бўғинда бўлмасин, -- деярли ўзгармаяпти. **Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самараси сезилмаяпти, одамлар тафаккурида, меҳнатни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш тизимида жуда кам ўзгариш рўй бермоқда.**

Кўп ҳолларда акционерлар ўзларини хўжайин ҳисобламайдилар, чунки амалда улар ўз корхонасини ривожлантириш муаммоларига лоқайд қарайдиган ёлланма ишчи бўлиб қолмоқдалар.

Акс ҳолда, қанчалик қатъий чора-тадбирлар қўлланаётганига қарамай:

-- корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб бораётганини, каттакатта айланма маблағлар қуриб битказилмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинаётганини, ўз харидорини топа олмай омборхоналарда қолиб кетаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши камаймаётганини, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, иш унуми ва иш самараси ўсмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу, авваламбор, корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг онгида ҳамон боқимандалик кайфияти, бизга давлат ёрдам беради, танглик ҳолатидан унинг ўзи қутқариб қолади, деган тушунча сақланиб келаётганидан далолатдир. Эски замондан қолган энг ярамас асоратлардан бири — боқимандалик кайфиятидан жудо бўлиш жуда оғир кечмоқда.

Бу ерда ҳамма нарса кадрларнинг касбий малакаси, масъулияти, ташкилотчилик қобилиятига бориб тақалади. Бу, авваламбор, бошқарув соҳасида ишлаётган кадрларга тегишлидир. Биз бугунги кадрлар ишлаб чиқариш, иқтисодни ташкил қилиш соҳаларининг кун сайин ўсиб бораётган талабларига нечоғли жавоб бераётганига, уларнинг замонавий менеджмент услубларини, маркетинг санъатини қанчалик эгаллаб олганларига, янги бозор муносабатлари шароитида ишлашга қанчалик қодир эканликларига холис баҳо беришимиз керак.

Агар шу нуқтаи назардан кадрларимизга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, уларнинг кўпчилиги бугунги ҳаёт талабларига жавоб бермайди.

Шу масала билан узвий боғланган яна бир ҳал қилувчи масала -- мулк масаласини ечиш. Бу ҳақда ҳам кўп гапирамиз. Мисол учун, саноат, қишлоқ хўжалиги, бошқа соҳаларни четда қолдириб, банк тизимини олайлик. Чунки ҳозирги шароитда, ислоҳотларнинг мавжуд босқичида мазмун-моҳияти, мавқеига кўра, бу ташкилот янги тизимнинг энг илғор бўғини бўлиши, бозор иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиши керак.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажариши, хўжалик юритувчи барча субъектларни ўз ишларини қайта ташкил этишга, бозор механизмларини дадил ва жадал эгаллашга даъват этувчи омил бўлиши даркор.

Бугун шуни таъкидлашимиз керакки, мазкур соҳани диққат марказида сақлаб туришимизга, бу соҳага амалий ёрдам ва имтиёзлар беришимизга қарамасдан, банк тизимида ҳақиқий ислоҳотлар юз бераётгани йўқ.

Таассуфки, бизда банклар ҳанузгача давлат ва корхоналарнинг маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчисига ўтказиш билан банд, уларнинг асосий иши жорий операциялардан иборат бўлиб қолмоқда.

Банклар ўз таъсисчиларининг эркин, бўш маблағларини ўзида тўпловчи — биз орзу қилган тизимга айлангани йўқ. Банклар ҳалигача таъсисчилар тимсолида намоён бўладиган ҳақиқий эгаларини тополмаяпти.

Банклар хусусийлаштирилса, унда ҳақиқий эга пайдо бўлади. У банк тақдири билан бир қаторда ўз манфаатини, шу билан бирга ўз масъулиятини чуқур сезадиган ва шу асосда иш олиб борадиган бўлади.

Афсуски, банкларимизнинг иқтисодиётни ривожлантириш, унинг тизимларини қайта ташкил этиш, миллий валютани эркин конвертация қилиш вазифасини мустақил ечадиган инвестиция ва кредит марказларига айланиши жуда сустлик билан ўтмоқда.

Бир нарсани аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак. Бутун тараққий топган дунё қаторида, бизда ҳам авваламбор **ўзи топган ва жамғарган маблағларига эга бўлган,** нафақат оддий кредит беришга, балки узоқ муддатли инвестицион кредитларни беришга ҳам қурби етадиган, шу билан давлатимизнинг инвестиция жараёнида асосий субъект, аъзо бўладиган банклар пайдо бўлиши шарт.

Банкларнинг иқтисодиётни ислоҳ этиш билан боғлиқ барча жараёнларда ҳал этувчи куч эканини инобатга олсак, бу ҳол умумиқтисодиётни ислоҳ этишнинг мазмуни ва натижаларига таъсир этмасдан қолмайди.

Шуни инобатга олиб, нафақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, авваламбор, Пахтабанк, Ғаллабанк, Мевасабзавотбанк, Савдогарбанк, Саноат-қурилиш банки ва шуларга ўхшаш бошқа банкларимизнинг тақдирини яна бир бор кўриб чиқишимиз даркор.

Бу масалаларда биз авваламбор Жаҳон банкининг тавсиялари ва ёрдамига суянамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш алоҳида эътиборга молик масаладир. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ер Кодекси, ''Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида''ги, ''Фермер хўжалиги тўғрисида''ги, ''Деҳқон хўжалиги тўғрисида''ги, ''Давлат ер кадастри тўғрисида''ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича махсус республика ва ҳудудий комиссиялари тузилди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида турли хил семинарлар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, барча масалалар йил бошидаёқ кўриб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам, бугун ислоҳотларнинг амалда қандай бораётганини танқидий кўз билан баҳолаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўп айтилган бўлса ҳам, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини сизларга яна бир бор эслатмоқчиман. Бу масалага бугун олдимизга қўйилган вазифалар, талаблар нуқтаи назаридан ёндошсак, фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман.

Ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳал этишимиз зарур бўлган учта масалада мужассамлашган.

Биринчидан, деҳқоннинг ерга, мулкка жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш шакли сифатида **мулкий пайни** жорий этиш;

иккинчидан, ҳар бир деҳқон, хизматчининг манфаатлари билан умумжамоа манфаатларини ўзаро уйғунлаштирадиган қишлоқ хўжалик корхонасини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан энг самарали шакли сифатида **жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкатларга) айлантириш;**

учинчидан, ҳар бир хизматчининг даромади, оилавий фаровонлиги меҳнатига яраша бўлишини таъминловчи, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишга асосий восита бўлувчи **оилавий пудратни кенг жорий этиш.**

Мазкур вазифаларнинг амалда қандай ҳал этилаётганини таҳлил қилсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, биз бу борада эндигина биринчи қадамларни қўймоқдамиз.

-Хўш, айтинглар-чи, қишлоқда ер, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг аниқ эгалари -- мулкдорлар бўлишига эриша олдикми?

Афсуски, йўқ. Мулкий пайларни шакллантириш механизмларини ўзлаштириш жуда суст бормоқда. Ерни баҳолаш, Ер кадастри билан боғлиқ муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмаяпти.

Жорий йилда 65та жамоа хўжалигини ширкатларга айлантиришга қарор қилинди. Белгиланган режага тўғри келса ҳам, айтиб қўяй, бу -- жуда оз. Лекин гап ҳозир сон ҳақида кетмаяпти.

Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш, мулкий пай, ёппасига оилавий пудратни жорий этиш бизга нима беради -- гап мана шунда. Бизнинг бу борадаги ташвишларимизни, мақсадларимизни ҳар бир киши, аввало деҳқоннинг ўзи идрок этиши, чуқур ҳис қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ишни албатта туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарларининг ўзидан бошлаш керак. Раҳбарларимиз бу масалага одат тусига кириб қолган хўжакўрсин қабилида, тўраларча ёндошадиган бўлса, олдиндан айтиб қўяй, ишимиз юришмайди.

Авваламбор қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз буни жуда чуқур англаб олишлари зарур. Бу соҳада кўзланган ислоҳотларнинг негизини, маъно-моҳиятини билмасдан туриб, раҳбар бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи ўзи йўқ.

Шунинг учун ҳам 1999 йилнинг январь-февраль ойларида ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва мазкур соҳадаги вазифаларни бажаришга доир қонун ва қарорларни ўрганиш мақсадида семинарлар ташкил этиш лозим. Энг аввало, семинар якунлари бўйича хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ҳокимларнинг билим даражалари синовдан ўтказилсин.

Илм олиш, ўрганиш асло айб эмас, унинг эрта-кечи йўқ.

Барчамиз бутун онгли ҳаётимиз давомида ўқишимиз, ўрганишимиз керак. Огоҳлантириб қўяй, бу муҳим ишни навбатдаги кампаниябозликка айлантириб юборишга йўл қўймаслигимиз керак.

Келинглар, энди қишлоқда оилавий пудрат қандай жорий этилаётганини кўриб чиқайлик. Бу борада анчагина тажрибамиз бор. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар шартнома муносабатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шартномага биноан аҳдлашувчи томонлар, яъни хўжалик бошқаруви билан пудратчи оила зиммаларига олган мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари шарт. Ҳозирча бу ишда, афсуски, хўжакўрсинлик, юзакичилик ҳоллари жуда кўп.

Хўжалик билан муайян оила ўртасидаги шартнома ҳалигача ижро этилиши мажбур бўлган қонун ёки норма кучига эга бўлмаяпти. Кўп ҳолларда шартнома хўжалик томонидан кўнгилдагидек бажарилмайди.

Бусиз ички хўжалик муносабатлари ва меҳнатни ташкил этишнинг асосий механизми ҳисобланган оилавий пудратни ривожлантириш жуда қийин.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳақида нима дейиш мумкин? Бу соҳада ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий масала -- фермерларга сервис хизмати кўрсатиш, техника, ўғит, уруғ билан таъминлаш масалалари ҳал этилмаяпти, қишлоқда мазкур вазифани бажариши мумкин бўлган чакана ва кичик улгуржи дўконлар тармоғи яратилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қиладиган кооперативлар йўқ. **Юридик шахс мақоми бўлган деҳқон хўжаликларини шакллантириш,** уларга банкларда ўз ҳисоб-китоб рақамларини очиб бериш, кредит бериш жараёни жуда чўзилиб кетаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Ҳурматли дўстлар!

Қишлоқ хўжалигининг бош масалаларидан бири -- бу хўжаликлардаги айланма маблағ масаласидир. Айланма маблағи бўлмаган хўжаликларнинг қўли кесилиб, улар узоққа боролмайди. Бундай хўжаликлар янги мавсумда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қодир эмас. Улар вақтида уруғлик, ўғит, ёқилғи сотиб ололмайдилар, ерни ва техникани экин-тикинга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган барча юмушларни ўз муддатида бажаролмайдилар.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг етарли миқдорда ўз айланма маблағларига эга бўлишига имконият яратиш бошқарув тизимининг доимий иши бўлиши лозим.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчидан, етказиб берилган деҳқончилик маҳсулотлари учун хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш зарур. Тан олиш керак, ҳозирча бу масала энг оғир муаммога айланмоқда.

Албатта, қишлоққа аванс беряпмиз. Жорий йилнинг ўзида пахтачилик, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларга марказлаштирилган ресурслардан 94 миллиард сўм аванс бердик. Албатта, бу катта пул. Мана шу маблағ туфайли қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника, ёқилғи, электр энергияси, минерал ўғит етказиб берувчи корхоналардан қарзи анча камайди. Аванснинг бир қисми деҳқонларга иш ҳақи сифатида тарқатилди. Аммо бу иш муаммони ҳал этишнинг бир қисми, холос. Асосий масала бошқа ёқда.

Бу масалани ечиш учун, авваламбор биз ўнлаб тармоқлар, юзлаб, минглаб корхоналар иштирок этадиган **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ким бош бўғин эканини узил-кесил аниқлаб олишимиз керак.**

Табиийки, бу бош бўғин аввало, ишлаб чиқарувчилар, аниқроқ айтсак, хўжалик (ширкат), фермер ва деҳқон хўжаликлари -- **ризқ-рўзимизни яратадиган, саноатни хомашё билан, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва тармоқларини эса иш билан таъминлайдиган деҳқонлардир.** Модомики, шундай экан, мазкур хизмат берувчи тармоқлар ҳам, саноат ҳам ўз навбатида қишлоққа, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга сифатли хизмат кўрсатиши шарт. Бу гап барчамизга, жумладан, банк ва молия тизими ходимларига ҳам тааллуқлидир.

Энди ҳисоб-китоблар ҳақида. Ҳамма гап шундаки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, моҳият-эътиборига кўра, йил бўйи давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бир мавсумдаги ишлар тугамасдан, янги мавсум ташвишлари бошланиб кетади. Ўшанда шундай муаммо пайдо бўлади — янги мавсум ишларини бошлаш учун маблағни қаердан олиш мумкин?

Уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар харид қилиш, дренаж-коллектор тармоқларини тозалаш, техникани тайёрлаш ишлари қайси маблағ ҳисобидан амалга оширилади? Деҳқонларга амалда бажарган иши учун ҳақ тўлаш масаласи нима бўлади?

Бунинг устига, харидор-истеъмолчилар, биринчи навбатда давлат тузилмалари олган маҳсулоти учун хўжаликларга ўз вақтида ҳақ тўлаб, ҳисоб-китоб қилмаган бўлса, мазкур муаммони қандай ҳал этиш мумин?

Кўряпсизми, яна боши берк кўчага кириб қоламиз. Яъни, хўжалик ўзи етиштирган ва сотган маҳсулоти учун тегишли маблағни ўз вақтида ололмайди. Бечора хўжалик нима қилади? Яна суғурта ҳисобидан юқори фоизли кредит олишга, янгидан қарзга ботишга мажбур бўлади.

Бу ерда мантиқ қани?

Бу масалани ким ҳал этиши керак?

Албатта, масала жуда мураккаб. Лекин бу муаммони айланма маблағларни молиялаштириши ва шакллантириши лозим бўлган Ҳукумат, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа тузилмалар узил-кесил ечиб бериши керак.

Биз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор шароитида ишлашини, ишлаганда ҳам самарали ишлашини хоҳласак, бу масаланинг ечимини албатта топишимиз шарт. Биз қишлоқ хўжалиги бозор шароитларида ишлашини талаб қиламиз-у, бунинг учун амалда зарур шарт-шароит яратиб бермаймиз. Бу — **масаланинг биринчиси.**

Иккинчи масала — хўжаликларда оддий ҳисоб-китобни йўлга қўйишдир. Тан олиш керакки, қишлоқ хўжалигида бугунги кунда чуқур, ҳозирги замон талабларига мос келадиган ҳисоб-китоб йўқ. Шу йилнинг ўзида санация қилинган 104 хўжалик фаолиятининг таҳлили бу фикрни тасдиқлайди ва кўп масалаларда хушёр бўлиш зарурлигини кўрсатади.

Илгари бутунлай зарар кўриб ишлаган хўжаликлар санация қилинганидан кейинги жорий йилни, деҳқонлар учун ниҳоятда оғир келган йилни фойда билан якунлашларига нималар асосий омил бўлди?

Бунга қуйидаги масалаларни ҳал этиш орқали эришилди:

биринчидан, хўжалик бошқарувига малакали мутахассис раҳбар -- ташқи бошқарувчилар келди. Бу жуда муҳим, керак бўлса ҳал қилувчи омил бўлди;

иккинчидан, вақтинча эски қарзларни тўлаш ва тўлов муддатларини узайтириш масалалари ҳал қилиб берилди, амалда хўжалик ўз фаолиятини янгидан бошлади;

учинчидан, энг муҳими, дастлабки ҳисоб-китоб йўлга қўйилди ва хўжаликларнинг молиявий жавобгарлиги кучайтирилди. Деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотларига яраша ҳақ ола бошлади;

тўртинчидан, яна бир муҳим масала ечиб берилди -- санацияга тортилган хўжаликлардаги **уларнинг оёғига кишан бўлиб турган ортиқча ишчи кучини бўшатиш мумкин бўлди.** Йил мобайнида ана шу хўжаликлардан 41 минг нафардан ортиқ ишловчи бўшатилди;

бешинчидан, йилни фойда билан якунлаган санацияга тортилган хўжаликларда, юқорида зикр этилган омиллар билан бир қаторда, ишлаб чиқариш тўғри ва оқилона ташкил этилди, барча зарур агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди;

ва ниҳоят, бу хўжаликларда деҳқонларнинг ўз ишининг якуний натижасига бўлган манфаатдорлиги кескин ортди. Одамларда ўз ишига, яратувчилик меҳнатига қизиқиш пайдо бўлди. Бу ниҳоят даражада муҳимдир.

Шунинг учун биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш борасида тўплаган тажрибани ижобий баҳолаб 1999 йилда самарадорлиги паст ва зарар кўриб ишлаётган яна 150га яқин хўжаликни санация қилиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу масала бўйича ҳозир махсус ҳукумат қарори тайёрланмоқда. Бу ерда ўтирган барча раҳбарлар ана шу қарорда баён этилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этишлари лозим.

Учинчи — илгари ҳам кўп маротаба гапирилган масалага яна қайтамиз — бу ернинг ҳосилдорлигини таъминлашдир. Мен бу масалани ерни парваришлаш, унинг маҳсулдорлигини таъминлаш деб айтган бўлур эдим.

Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. **Ерни қанча эъзозласанг, у сенга шунча кўп ризқу насиба бераверади.** Мен бу ўринда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишни ҳам, суғориш ишларини ҳам, ўз вақтида ўғит солишни ҳам, дренаж-коллектор тармоқларини тозалашни ҳам назарда тутмоқдаман.

Бир сўз билан айтганда, бу агротехника ва юксак деҳқончилик маданияти демакдир. Бугунги энг долзарб масала экинлар селекциясини ташкил этиш, ирсий (генетик) жиҳатдан тезпишар, юқори ҳосилли ва касалликларга бардошли янги навларни жорий этиш, хўжаликларни сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлашдир.

Тўртинчи вазифа -- таъбир жоиз бўлса, юқорида айтилган барча масалаларни ҳал этадиган омил -- **бу кадрлар тўғрисидаги масаладир. Қишлоқ хўжалиги бугунги кунда ерни биладиган ва ардоқлайдиган, бу соҳада ишловчиларнинг бошини қовуштира оладиган билимдон бошқарувчиларга юқори малакали мутахассис ва раҳбарларга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезмоқда.**

Шу ўринда биз қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш қандай улкан аҳамиятга эга эканига қайта-қайта иқрор бўлмоқдамиз. **Мен барча туман ва вилоят раҳбарларини мана шу масаланинг моҳиятига чуқур кириб боришга даъват этган ва керак бўлса, буни талаб қилган бўлур эдим.**

Бугун дастурни амалга оширишда муайян тармоқлар ва уларнинг раҳбарлари зиммасидаги алоҳида масъулият ҳақида гапириш мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, олий ўқув юртлари, ўқув муассаслари, мактаблар, қисқаси, маориф соҳасида меҳнат қилаётган, таъкидлаш керакки, яхши ишлаётган раҳбарларнинг масъулияти ва роли ҳақида гапириш мумкин.

Лекин мен бугун ҳокимлар, маҳаллий ҳокимият вакилларининг жуда катта масъулиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мен вилоят раҳбари, туман, шаҳар раҳбари, хўжалик раҳбарлари қўйингки, одамларнинг ишончига сазовар бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг фаолиятингиз билан узвий боғлиқ. Сизлар комил инсон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндошмас экансиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин бўлади.

Мен мана шу залда ўтирганларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, **мазкур дастурни амалга оширувчи энг бош жонкуярлар сизлар бўлишингиз лозим.** Раҳбарлар бошқалардан кўра узоқни аниқ ва теран кўришлари керак. Биз, раҳбарларга, халқ доимо ишонч ва умид билан қарайди. Бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги эса эртага бизнинг ўрнимизга кимлар келиши, биз қандай кадрларни тарбиялашимизга бутунлай боғлиқ десак, муболаға бўлмайди.

Мен оддий, бугунги кунда ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқатни такрор-такрор таъкидламоқчиман. Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида — ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади.

Бу масалани ҳал этмасдан туриб, амалда ўз истиқболимизни кўриш мумкин эмас. **Бу охир-оқибатда бизнинг ўз фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги бурчимиздир.** Биз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашимиз керак.

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор.

Фарзандларимиз — бизнинг ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак -- улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-этиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад бугунги кунда одамларнинг онгу шуурига кириб борди -- биз келажаги буюк бўлган давлат ва жамият қуришни истаймиз. Ва бунинг учун бизда ҳамма асослар бор.

Лекин **ана шу мақсадга етишнинг муҳим шарти, яна ва яна таъкидлаш жоизки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккури билан бевосита боғлиқдир.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, муболағасиз айтиш керакки, гуллаб яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролар жамиятини шакллантириш, саҳоватли заминимизда яшаётган одамларнинг бахти ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган, узоқни кўзлаган мақсадимизнинг моҳияти, асоси бўлиш лозим.

Келинг, энди асосий муддаога ўтайлик. Менинг сиз ҳокимларга аниқ топшириғим бор. Дастурда 1999-2000 йилларда 187 академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва 110та шундай муассасани таъмирлаш кўзда тутилган. Лекин мен вазифани кенгроқ қўймоқчиман. Шу икки йилда биз ҳар бир туман, ҳар бир шаҳарда янги лойиҳалар бўйича энг замонавий, талабларга жавоб берадиган коллеж ва лицейлар қурамиз.

Бу андоза асосида қўплаб шундай қурилишларни амалга оширишимиз мумкин. Бунинг учун лойиҳа институтлари лицей ва коллежларнинг касб ихтисосини ҳисобга олиб махсус лойиҳалар ишлаб чиққан. Бу муассасларнинг қаерда жойлашиши аниқлаб берилган ҳукумат қарори қабул қилинган. Кўп вилоятларда улар учун керакли миқдорда ер ҳам ажратиб берилди. Муҳими, уларни молиявий таъминлаш манбалари аниқ белгиланган.

Келгуси йил бюджетининг ўзидаёқ бу мақсадлар учун 34 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Қурилишни амалга ошириш учун ҳар бир вилоятда коллеж ва лицейлар бунёд этишга ихтисослаштириладиган бир неча қурилиш трестлари белгилаб қўйилган. Мен очиқ-ойдин айтиб қўяй — **бу коллежлар нафақат билим маскани балки биз юртимизга келадиган меҳмон ва сайёҳларни олиб бориб кўрсатишга арзийдиган, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган муҳташам иншоотлар бўлиши лозим.**

Мен сизларнинг олдингизга бугун мана шу истиқболдаги вазифани қўймоқчиман.

Ишонаманки, ўзини мамлакатимизнинг ҳақиқий ватанпарвари деб билган, унинг ажойиб келажагига ишонган ҳар бир инсон ана шу улкан ва ҳаётий муҳим вазифани рўёбга чиқаришга муносиб ҳиссасини қўшади.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Воқеалар нуқтаси ичида

➡ БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош котиби Кофи Аннаннинг кўрсатмасига биноан Кипрдаги БМТ тинчлик кучларининг ваколатини 1999 йил 30 июнгача узайтиришга қарор қилди. Уларнинг ваколати жорий йилнинг 31 декабрида тугаши лозим эди.

➡ МОСКВАДА МДҲга кирувчи мамлакатлар мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

➡ РФ бош вазири Е. Примаков Ҳиндистонга қилган сафаридан қайтаётиб, Қозоғистонга ташриф буюрди. У ерда абадий дўстлик ва ҳамкорлик қилиш, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа масалаларга бағишланган етти ҳужжат имзоланди.

➡ ҚИРҒИЗИСТОН президенти Асқар Акаев мамлакат хавфсизлик кенгаши мажлисида сўзга чиқиб, ўз вазифасини тўлиқ адо этмаганлиги учун К. Жумалиев раҳбарлигидаги ҳукуматни тўлиқ таркибда истеъфога чиқарганлигини маълум қилди.

➡ ОЗАРБАЙЖОН ташқи ишлар вазири Товфиқ Зулфиқоров Москвага келди. У ҳамкасби — РФ ташқи ишлар вазири И. Иванов билан қилган мулоқотларида Тоғли Қорабоғ, Россия ҳамда Арманистоннинг ҳарбий ҳамкорлиги масалаларида Озарбайжон ташвишланаётганлигини айтди.

➡ БЕЛЬГИЯНИНГ собиқ иқтисодиёт вазири, НАТОнинг собиқ бош котиби Вилли Класс чет элларга ҳарбий қуроллар сотишда коррупцияга йўл қўйганликда айбланган эди. Бельгия олий суди бу ишни кўриб чиқди. В. Класс уч йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

➡ УКРАИНАНИНГ собиқ бош вазири П. Лазаренко Швейцарияда қисқа муддатли ҳибсда бўлганидан сўнг қутулиб келиб, Украина парламентида сўзга чиқди. «Громада» партиясининг раҳбари ўзига нисбатан қилинаётган ҳуружларни сиёсий ҳужум деб баҳолади.

➡ ЛИТВА парламенти ўзининг сўнгги мажлисида мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинганлигини эълон қилди.

БЕНЬЯМИН «ЁМОНОТЛИҚ»ҚА ЧИҚДИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонида берилган «Эски ҳаммом, эски тос» сарлавҳали мақолада АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Исроил ва Фаластинга 15-17 декабрь кунлари қилган сафари кутилган натижани бермаганлиги, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнининг «жойидан қимирламаганлиги» хусусида фикрлар билдирилган эди. Бунга ҳар икки томоннинг бир-бирига кескин даъволар қўйиши сабаб бўлди. Шу тариқа «Уай-Ривер меморандуми»нинг бажарилиши катта тўсиқларга дуч келаётганлиги аён бўлиб қолди. Бу ҳол инқирознинг ҳолва томони экан.

... Ўртага тушган воситачилар ўз ватанларига жўнаб кетиши биланоқ машмашанинг каттаси бошланди. Исроил кнессети (парламенти) ялпи мажлиси чақирилди. 11 соат давом этган даҳанаки «жанг»лардан сўнг кнессет бош вазир Б. Нетаньяхунинг фаластинликлар билан келишиш тўғрисидаги фаолиятини номақбул деб топиб, парламентнинг ҳамда бош вазир сайловини муддатидан илгари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу тариқа Б. Нетаньяху ёмонотлиққа чиқди. Бундай қарорни маъқуллаб, 120 депутатдан 81 нафари овоз берди. 30 киши қарши чиқди. Шундай қилиб, ҳозирги парламент ва ҳукумат ваколатлари тугашидан деярли бир ярим йил олдин сайловлар ўтказиладиган бўлди.

Шунингдек, кнессет бош вазирни тўғридан-тўғри сайлаш тўғрисидаги қонунни бекор қилиш ҳақида ҳам фикр билдирди. Овоз беришнинг бундай тамойили 1996 йил май ойида бўлган сайловда атиги бир мартагина қўлланилган эди.

Шундай қилиб, кнессет Б. Нетаньяхунинг фаластинликлар билан тинчлик шартномалари тузиш тўғрисидаги сиёсатини чиппакка чиқарди. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, мазкур қарор яна икки бор ўқишдан ўтиши керак. Шундан кейингина у қонунга айланади. Масала янаги ҳафтада аниқ бўлади.

Б. Нетаньяху, ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш кўриб, мубоҳасалар охирида миллий бирлик ҳукуматини тузиш тўғрисида таклиф киритди. Аммо, сўнгги уриниш ҳам пучга чиқди! Унинг таклифини «Авод» партиясининг муҳолифатдаги энг катта фракцияси раҳбари Яҳуд Барак йўққа чиқарди.

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммоси шу тариқа яна боши берк кўчага кириб қолди.

ХАЙРИЯТ, ҒИРРОМЛИК БЎЛМАГАН ЭКАН

ОДАТАН бирон-бир мамлакатда юқори лавозимларга сайловлар ўтказилганда муҳолиф номзод ёхуд муқобил гуруҳлар бир-бирларини нохолисликда айблайдилар ва ўз фикрларини исботлаш учун куракда турмайдиган усуллардан ҳам фойдаланадилар. Яқинда Эквадорда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Олий сайлов трибунали овоз беришнинг якунларини эълон қилди. Христиан демократик иттифоқи — халқ демократияси партияси раҳнамоси Хамил Муад сайловда ғолиб чиқди, деб топилди. Айни пайтда унинг асосий рақиби — йирик корчалон Алваро Юбоа сайлов натижаларини тан олмаслигини баён қилди. Унинг айтишича, сайлов варақаларини ҳисоблаш пайтида трибунал ғирромликка йўл қўйган эмиш.

Оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, сайлов натижаларини йўққа чиқаришга бўлган уринишларга қарамай, сайлов демократик йўсинда ўтган ва ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўйилмаган. Эквадордаги асосий партиялар ҳамда халқаро кузатувчиларнинг хулосалари ҳам ана шундай бўлди.

Давлатнинг янги раҳбари келгуси йилнинг бошларида ўз вазифасини адо этишга киришади.

ДАЪВАТГА АЙБ ЙЎҚ

РУМИНИЯ президенти Эмил Константинескунинг АҚШга қилган расмий ташрифи ниҳоясига етди. У Америка парламент аъзолари билан бўлган учрашувда уларни Руминиянинг НАТО аъзолигига интилишини қўллаб-қувватлашга даъват этди. У конгрессчиларнинг ялпи йиғилишида сўзга чиқиб, тингловчиларни жануби-шарқий Европада тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишида Руминиянинг аҳамияти ғоят катта бўлиши мумкин, деб ишонтирмоқчи бўлди.

БИР ЙИЛГАЧА ХАЛЛОҲ

«ЎЗ ДАВЛАТИ ҳудудларини ўзи қўриқлай олмайдиган мамлакат ҳеч қачон тўла мустақил деб ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам асосий чегараларимизни ўз кучимиз билан қўриқлашга интилаётганимиз ҳеч кимни таажжублантирмаслиги керак». Миллий радио орқали берган баёнотида Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе ана шундай деди.

Давлат бошлиғининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, бу борадаги масалалар тезкорлик билан ҳал қилина бошланди. Яқинда Россия чегарачилари Грузия ҳудудига тегишли денгиз минтақалари назоратини босқичма-босқич грузиялик ҳамкасбларига топшира бошладилар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● КЕНИЯ ҳарбий ҳаво кучлари учувчиси Рохан Квимбо яқинда том маъносида икки бора ўлимдан қолди. Унинг тайёраси қўнишга бир баҳя қолганда ёна бошлади. Учувчи, фақат, катапульт тугмачасини босишга улгурди. Баландликнинг ўта камлигидан у ерпарчин бўлиши ҳеч гап эмас эди. Аммо, учувчи парашюти билан катта кучланишли электр симларига илиниб қолди. Шу аснода Худо уни яна бир бор сақлади. Айни пайтда минтақа электр станцияси таъмирлаш учун тўхтатилган экан. Ўз омадидан қўрқиб кетган Рохан ҳамон руҳан ўзига келгани йўқ.

● ШВЕЦИЯДА ғалати мусобақалар бўлиб туради. Ана шундай антиқа беллашувларнинг бирида Ирен Люфорт хоним жаҳон рекорди ўрнатди. У 28 соат бетўхтоб қўшиқ айтиб, биринчи ўринни эгаллади. Энди у, шубҳасиз, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилиши мумкин.

● ЖАҲОН тиббиёти тарихида деярли учрамайдиган ҳодиса рўй берди. Америка Қўшма Штатларининг Хьюстон шаҳри шифохонасида 27 яшар Нкем Чукву деган аёл бир йўла саккиз чақалоқни дунёга келтирди. Нигерия-лик муҳожирнинг рафиқаси олти қиз, икки ўғилнинг онаси бўлди. Она ва болалар ҳозир Техас штатининг ўсмирлар касалхонасида кўрикдан ўтиб турибдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл 9-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Таҳлилнома».
8.10—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Буюк Ипак йўли. Нурота».

*

8.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
8.55 «Жаҳон спорти».
9.05 «Ўзбекистоним менинг». Мусиқий дастур.
9.45 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.35 «Саньат олами».
10.55 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.05 Кундузги сеанс: «Довюрак Хобчар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
13.35 — 14.00 «Обод уйда пок одамлар яшайди». Таҳлилий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олам ва одам».
18.25 Каратэ бўйича жаҳон кубоги.
18.40 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Эркатош Шукурова.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 10-қисм.
21.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 7-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Қувноқ учрашув, Мульттомоша).
18.35 «Ақл — ёшдамас».
18.55 «Сарвиноз».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «О, ёшлигим».
19.45, 20.35, 22.55 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.40 «Проктер энд Гэмбл» сифатига ишончингиз комил бўлсин.
20.50 «Имом ал-Бухорий». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
21.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.45 «Кулгига нима етсин».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Эгиз қушиқлар».
23.00 Синема. «Эмма».
00.45 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 Телефакт (рус тилида).
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун» (ўзбек тилида).
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Япония ҳақида ҳикоялар».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Дорихона эшитади...». Бевосита мулоқот.
22.25 «Телефакт» (ўзбек тилида).
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Спорт-тайм».
23.05 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Саргузашт фильмлар экрани.
01.20 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 «Чироқлари синган кўчалар». Милиция сериали.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 162-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Замонавий дизайн».
22.45 «Вақт ҳазинасидан».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс: «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 1-серия.
00.35 «Ахборот»(рус тилида).
01.00 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 2-серия.
02.25—02.30 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 10-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 — 8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мовороуннаҳр».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қонун ва ижро».
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.20 «Билимлар байрами».
11.35 Миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.05 «Зиё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.50—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Алифбо байрами».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Премьерадан сўнг...». «Сақлаб ўзлаб чопаётган Олапар» видеофильми ҳақида.
19.10 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс-садо».
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 11-қисм.
22.20 «Дил тортлари». Мусиқий дастур.
22.45 «Қиёсат оламида».
23.05 «Узлигинг намоён қил». Экранда — Тошкент вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 7-қисм.
18.55 «Ёр ишқи».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.45, 20.35, 23.15 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.40 «Марду-майдон».
21.05 «Имом ал-Бухорий». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
21.40 Очун.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Ифтихор».
22.45 Футбол шоу.
23.10 Синема. «Амакивачча». Детектив (Франция).
00.55 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Байрам эшик қоқмоқда».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Табиат шифохонаси».
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Байрам эшик қоқмоқда».
20.05 «Мисли гавҳар».
20.20 «Ҳиндистондан салом».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Проктер энд Гембэл: Сифатига кафолат беради».
21.15 «Таггерт». Телесериал.
22.05 «Туризм ҳақида». Иллик шарҳ.
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 «Бешинчи ўлчов». Байрам сони.
23.05 «Иш бундай бўлган эди...». Мусиқий-дам олиш дастури.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 «Кинонигоҳ» рукнида байрам туҳфаси: «34-кўчадаги мўъжизалар».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00.

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Чироқлари синган кўчалар». Милиция сериали.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 163-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Гершвин оҳанглари».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс: Фара Монтье «Менинг сўнгги тангоим» фильмида.
01.05 «Ахборот»(рус тилида).
01.30 Тунги сеанс. «Ижарага олинган болалар». Бадиий фильм.
03.00—03.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 30

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 12-қисм.
5.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Паҳлавон Маҳмуд».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 —8.30 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
8.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
8.50 «Жараён».
9.10 «Маржон». Телевизион клуб.
9.45 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

«Умид» намойиш этади:

10.05 «Ён, ён, арчажон!».
10.30 «Ўхшаш чеҳралар».
11.10 «Муҳаббат дарси».
11.30 «Акс-садо».
12.05 Бокс. «Юрт, ўғлонлари».
12.25 «Мусиқий ринг». Телешоу.
12.55 — 14.00 Кундузги сеанс: «Еттинчи жин». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.35 «Жавҳар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Истеъдод». Шавкат Ҳамдамов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Миллий таълим уфқлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 12-қисм.
21.50 «Қизлар давраси».
23.10 «Кусто комондасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 8-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Янги йил табриги.
18.10 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Мульттомошо).
18.25 «Семург». Усмирлар учун ахборот кўнгилочар дастури.
18.40 «02» тўлқинида.
18.55 Янги йил табриги.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Ракус».
19.55 Янги йил табриги.
20.00 Спорт-лотто.
20.20 «Лаззат».
20.50, 23.05 — Эълонлар.
20.55 «Спектаклдан сўнг». Муқимий номли театрнинг янги комедияли «Сойибхўжа операцияси» спектакли ҳақида.
21.15 «Обид-шу». 1-кўрсатув.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Янги йил табриги.
22.35 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 «Каталог».
22.50 «Хит-коллекция».
23.10 Синема. «Гаров қўйилди». Детектив (Франция).
00.50 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 «Байрам эшик қоқмоқда».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.15 «Байрам эшик қоқмоқда».
20.20 Ёқимли оҳанглар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Юлдузча». Танлов дастури.
21.55 «Таггерт». Телесериал.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Билиб қўйган яхши».
23.05 «Умр ўлдоши».
23.40 «Байрам эшик қоқмоқда».
23.45 «Хайрли, оқшом».
00.15 «Кўзгу».
00.35 Оҳанглар ва эълонлар.
00.45 Видео-«О».
02.25 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Чироқлари синган кўчалар». Милиция сериали.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 163-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан». Ҳинд хонандаларининг Янги йил совғаси.
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф: «Ветман ва Робин». 1-серия. Бош ролларда А. Шварценеггер ва Д. Клуни.
00.50 «Ахборот»(рус тилида).
01.15 «Ветман ва Робин». Бадиий фильм. 2-серия.
02.15—02.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 31

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 12-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 — 8.30 «Зийнат».

*

8.30 «Ёш хонандалар концерти».
8.55 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 8-қисм.
10.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мушоира».
10.25 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.40 «Мусиқий сарҳисоб».

«Умид» намойиш этади:

11.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳаммага.
11.45 «Фламинго».

*

12.05 «Қувонч бахш этиб». Янги йил дастури.
12.35 — 14.00 Кундузги сеанс: «Қор маликаси». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 21.10, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Йилнома» (рус тилида).
20.10 «Юзма-юз».
20.30 «Йилнома».
21.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл 13-қисм.
22.05 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
23.00 Янги йил базми.
23.50 Янги йил табриги.
00.05 Янги йил базмининг давоми.
01.35 «Телевизион миниатюралар театри».
02.35 «Куйла, ёшлигим». Эстрада калейдоскопи.
03.35 — 03.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 8-қисм.
17.20 «Янги авлод» студиясида Янги йил». 1-қисм.
18.15 «Янги йил саёҳати».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Гап йўқ». 1-қисм.
20.15 Мусиқий табрик.
20.20 «Обид-шу». 2-кўрсатув.
21.00 Мусиқий табрик.
21.05 «Гап йўқ». 2-қисм.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Юлдузлар ёғдуси» Янги йил учрашувлари».
23.30 «Буюк юрт фарзандиман».
23.50 Янги йил табриги.
24.00 «Ассалом, Янги йил!»
00.15 «Юлдузлар ёғдуси Янги йил учрашувлари». (давоми).
01.45 Синема. «Бегунох» (Ҳиндистон). 1-қисм.
03.10 Шарқ эстрадаси.

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «ДАРАКЧИ».
9.10 «Олдуза». Танлов дастури.
10.00 «Байраминг қутлуғ бўлсин, шаҳрим!».
10.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
10.45 «Онагинам».
11.00 Болажонлар экрани.
12.30 Ҳиндистондан салом»
12.40—12.45 «Байраминг қутлуғ бўлсин шаҳрим!».

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30 «ДАРАКЧИ». Йиллик сарҳисоб.
18.50 «Ҳамшаҳарлар».
19.15 Телефакт (ўзбек тилида).
19.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Йилнома» (рус тилида).
20.10 «Ер курраси».
20.30 «Йилнома».
21.15 «Байраминг қутлуғ бўлсин, шаҳрим!».
21.20 «Тасанно».
21.55 «Санамлар танлови, ёхуд...». 1-қисм.
22.25 «Жозиба».
22.35 «ДАРАКЧИ». Йиллик сарҳисоб.
22.55 «Санамлар танлови ёхуд...». 2-қисм.
23.25 «Янги йил марафони». 1-қисм.
23.50 Янги йил табриги.
00.05 «Янги йил марафони». 2-қисм.
03.30 — 05.10 Кинонигоҳ.

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Кувнок сайр». Фильм-концерт.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўн икки ой». Мультэртак.

*

Россия жамоат телевидениеси.
19.45 «Аралаш»нинг энг янги сони.
20.00 «Время».
20.35 «Миллий ов хусусиятлари». Кинокомедия.
22.20 «Мўъжизалар майдонида». «Миллий ов хусусиятлари» комедиясининг иштирокчилари.
23.30 Эски йилни кузатиш.
23.45 «Тошкент Янги йил оғушида».
23.50 Янги йил табриги.
00.05 «Тошкент Янги йил оғушида».
Россия жамоат телевидениеси
00.10 — 03.00 Янги йил кечаси.

ЖУМА, 1

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 13-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Йилнома».
8.10 — 8.30 «Озод обод юрт».
8.30 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
9.00 «Сарҳисоб».
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Камалакнинг етти хил ранги». Премьера.
9.50 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.

«Умид» намойиш этади:

10.30 «Янги йилим, яхши йилим».
11.00 «Ойла».
11.30 «Билим-ринг».
12.10 «Ёшлар базми».
13.40 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
14.10 «Футбол шоу».
15.10 «Хушвақт бўлинг!». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.10 Кундузги сеанс. «Яраттанга шукур». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Президент арчаси».
18.45 «Кулги терапия».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот (рус тилида).
20.00 «Қиш зийнати». Кинокомпозиция. Ҳожвий киножурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 14-қисм.
21.50 «Бир кеча ҳангомаси».
23.00 «Нодир ҳазина». Кинокўрсатув.
23.20 «Муқаддидлик майдонида». Телевизион ўйин.
23.50 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студиясида Янги йил. 1-қисм.
9.55 «Гап йўқ». 1-қисм.
10.40 «Юлдузлар ёғдуси Янги йил учрашувлари».
11.45 «Гап йўқ». 2-қисм.
12.35 «Узбектелефильм» намойиш этади. «Чарҳпалак». 6-қисм.
13.20 «Юлдузлар ёғдуси. Янги йил учрашувлари». (давоми).
14.50 «Обид-шу». 1-кўрсатув.
15.35 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Олтин калит).
17.40 Синема. «Буюк юрт фарзандиман».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод студиясида Янги йил. 2-қисм.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Синфдош».
20.10, 21.00 — Эълонлар.
20.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Чарҳпалак». 7-қисм.
20.55 «Она-замин юлдузлари». 1-қисм.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Она-Замин юлдузлари». 2-қисм.
23.30 «Азизим».
00.10 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...».
00.40 Синема. «Бегунох». 2-қисм (Ҳиндистон).
02.10 Мунаввар тонг истаб.

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Зумраша». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
9.30 Эстрада қонцерти.
10.00 «Санамлар танлови ёхуд...». 1-қисм.
10.30 Болажонлар экрани: «Аёз бобо».
11.50 «Рақслар жилоси».
12.15 «Нурли мавж».
12.30 — 14.05 Р. Муҳаммаджонов. М. Маҳмудов. «Ака-ука совчилар». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқа театрининг спектакли.

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.20 «Ерилтош». Мультўплам.
18.35 «Мусиқий меҳмонхона».
19.05 «Спорт оламида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ишдаги ишқ ёки...».
20.20 Янги йил табриклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиз уларни танийсиз».
21.50 «Фаровонлик бекати».
22.10 «Жума оқшомида».
22.40 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Мусиқий сайёра». Телеўйин.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.10 Туркия телевидениеси

*

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
18.10 «98-йил қўшиқлари». 1-қисм.

*

21.00 Янги йил табриги.
21.05 «Аёл васфи — дил изҳори».
21.50 «Кулгига нима етсин».
22.10 «Халқаро» телеканалида Янги йил. 1-қисм.
23.00 «Вести».
23.30 Янги йил табриги.
23.40 «Халқаро» телеканалида Янги йил. 2-қисм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида).
01.00 Кинематограф. Бадиий фильм.
02.20 — 02.25 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 2

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон туҳфаси». Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл 14-қисм.
5.45 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Ҳазрати Усмон қуръони».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 — 8.30 Лирик тароналар.

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шаҳрим менинг — китобим». Премьера.
9.15 «Мозийдан бир мўъжиза».
9.30 Телевизион миниатюралар театри.
10.30 «Мехригиё».
10.50 «Бўстон». Тележурнал.
11.20 Кундузги сеанс. «Тотли малагим». Бадиий фильм.

**«Умид» намойиш этади

1998 йил — Оила йили

ҚАЙНОНАЛАР ЙИҒИНИ

ЯҚИНДА Тошкентдаги кўркам, гавжум маҳаллалардан бирида қайноналар йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳамма айтилган вақтга етиб келди. Ҳатто янаги йил ёзда келин тушираман деган орзуда юрган Дилбархон ҳам, саксонни босиб, тўқсонни қоралаб қолган, бир неча невара-эвара келин туширган Файзибиби ҳам савлат тўкиб ўтиришди. Хотин-қизлар кенгашининг раисаси Қумриниса ая ўтирганларга бир разм солиб олди-да, секин гап бошлади.

— Орамизда тўрт-бешталаб келин туширган, қиз узатган, келинлару қудаларнинг қанду асалидан тотиниб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган онахонлар ўтиришибди. Бугун бу ерга биз бирор кишини танқид қилиш ёки бирорта қарор қабул қилиш учун эмас, дилимизда нимаики бўлса айтиб, бир-биримизга ёрдамлашгани тўпланганмиз.

Юртимиз тинч, хонадонларимиз тўқ, тўкин-сочинлигу маъмурчилик бўлган сари баъзи оилаларда ҳузур ҳаловат йўқолмоқда, қўйдичиқди, уриш-жанжал кўпаймоқда. Бунга сабаб нима?!

— Мен гапира қолай, болам, — дея гап бошлади Файзибиби. — Қайси бир ота-она орзу-ҳавас билан уйлантирган ўғлини хотинидан ажратсам, уйини бузсам, болаларини етим қолдирсам дейди? Ҳеч қайси ота-она бундай қилмайди. Лекин мен сизларга айтсам, муросаю мадора деган гапга ҳар ким ҳам риоя қилавермайди. Ахир уйингизга ёш келин келди. Куни кеча у ўз уйининг эркаси эди. Ота-онаси унинг раъйига қараб, кўнглига ёққанини қилиб беришарди, баъзан инжиқликларини кўтаришарди. Энди-чи, янги уй, янги тартиб-русумлар, янги кишилар. Келин ҳатто бир ёстиққа бош қўйган эрининг қалбини ҳам ҳали яхши билмайди. Унинг юраги нима билан тепяпти, қандай орзу умидлари бор, унга аён эмас. Бунинг устига юрса ўпоқ, ўтирса сўпоқ дейдиган, ейиш-ичишидан тортиб, гапиришигача бир қолипга солиб турадиган қайноналар борки, бундай шароитда келин ўзини йўқотиб, ўзлигини унутиб қўяди.

Мана беш ўғилни уйлантириб, уч қизни турмушга узатганман. Халқда қайнонали келин — қарқара келин, қайнонасиз келин — масҳара келин, деган нақл бор. Агар бунинг маъзини кенгроқ чақадиган бўлсак, келинларга ота-онадан кейин қайнона билан қайноталар ҳам меҳрибон тарбиячи бўлишлари керак. Бешта келиним беш хил оилада тарбия топган. Ўйлайсизларки, ҳаммаси ҳам ҳозиргидек оилаю рўзғорни ўйлайдиган, саранжом-сариштa, йўққа кўниб, борни юзага чиқарадиган, покиза, қайнона ва қайнотани, эр ва болаларни иззат-ҳурматини жойига қўядиган, лобар, тадбиркор бўлишганмикин?! Келинларнинг яхшисини ошириб, ёмонини яширсангиз, ўртангизда ўтган не-не сирлару гап-сўзларни ютиб кетсангиз, меҳр-оқибат кўтарилмайди, ҳамиша сирдошу дўст бўлиб қоласиз.

Ҳозир ўттиз беш киши бир ҳовлида яшаб, бир қозондан овқатланамиз. Ҳаммамизнинг топганимиз ўртада.

— Вой, мунча ҳам яхши-ей, — деди ўртада ўтирган ранги синиққан, чуваккинадан келган она уҳ тортиб. Ҳамма «гурр» этиб ўша томонга қаради.

— Менинг яккаю ягона ўғлим бор эди. У ҳам эргинамдан ёдгор қолган. Шу десангиз, ўғлим етимлик турткисини емасин, кўнгли ўксимасин деб бошқа турмуш қилмадим. Емай-едирдим, ичмай-ичирдим. У жуда мўмин-қобил, меҳнатсевар бўлиб ўсди. Болам вояга етган сари кечалари орзулар қанотида парвоз қила-қила ухлаб қолардим. Лобар, меҳрибон келин келса, онажон, ўғлингизни бир кўз билан катта қилган экансиз, энди сиз роҳатда яшашингиз керак. Ўтиринг, дам олинг, деса-ю чопиб-чопиб юмуш қилса. Бир коса қуюқ-суюғини беминнат берса, набираларим атрофимда ғужғон ўйнаб, неча-неча йиллардан бери зимистон бўлган хонадонимни яшнатиб юборишса, деб умид қилардим. На қилайки, орзуларим ҳавога учди. Ўғлимни уйлантирганимдан кейин бир йил ўтар-ўтмас уйда жанжал чиқди. Ҳа деса ота-онасини бошимга бошлаб келаверди. Улар ҳам келганда қизига насиҳат қилса кошки, ўғлимни қаматаман, ўзингни бу уйдан ҳайдатаман, деб дағдаға қилишади, қудаларим тушмагур. Бундан келиним бешбаттар бўлди-қолди. Ўғлимга ҳам қийин. Мени деса хотини, боласи, уларни деса мен... Ишқилиб ўғлимни боши омон бўлсин.

— Айланайлар, мен ҳам гапирай, — дея ўрнидан турди Тоживой аканинг хотини Роҳат ая. — Онасини кўриб қизини, мулкини кўриб бўзини ол, деган гап жуда тўғри экан. Ўғлимга қариндошимизнинг қизини келин қилган эдик. Нима қилса ҳам ўзимизники, бор-йўғимизга кўнар, ота-онаси ҳам ўзимизга ўхшаб катта бўлишган, деб ўйлагандик. Лекин, минг афсуски, ўзимизники ўзагимни кесяпти. Келиним бир боласи билан уйига кетиб қолган. Балки айб менда дерсизлар... Киримизни ўзимиз ювсак, овқатимизни ўзимиз қилсак, уй-ҳовлимизни ўзимиз супирсак, бозор-ўчар ҳам ўзимизда. Келиним ишламайдилар. Неварамиз яслига қатнайди. Ўғлимнинг иши бироз юришмаяптими, рўзғордан ортти-риб орзу-ҳавасни яхшироқ қилолмаяпти. Уйимизни томи бут, чакка ўтмайди, шипи чийлампа, эшиклари эскириброқ қолган. Ахир илгарилари олди очиқ айвонда ҳам яшагандик. Энди бўлса ҳамма шароит муҳайё, газ дейсизми, сув дейсизми, электр чироқ дейсизми. Лекин тунов куни биз йўғимизда хотин қудамиз келиб, бу уйларингга менинг қизим муносиб эмас, дебдию кўч-кўронини йиғиштириб олиб кетибди. Шуни айтишса керак, эгачилар «қизни бузган онаси» деб.

Сўзни четда оқ дока рўмолининг учларини икки елкасига ташлаб, юзларидан нур ёғилиб ўтирган Риселатбону давом эттирдилар.

— Айланай овсинлар, бундай қараб турсак, ҳозирги келинларга ҳам осон тутавериш керакмас. Уларнинг кўпчилиги ишлашади. Ишлагандан кейин кийин ишлаш керак. Бунинг устига уй юмуши, рўзғор ташвиши, фарзандли бўлса, яна хизмат ортади. Ана шунда сиз билан биз келинларга ёрдамга келмасак, бизнинг нима керагимиз бор? Тўғри, киши кексайгандан кейин кўнгли нозиклашиб, унча-мунча гаплар ўтиб кетадиган, баъзан жиззаки бўлиб қоларкан, егани сингмайдиган, шовқин ёқмайдиган бўларкан. Келинлар бирор иш қилса, сиздан маслаҳат сўрамаса, олган нарсасини кўрсатмаса хафа бўларкансиз. Лекин шундай бўлса ҳам кечириб кетмасангиз уйда жанжал қопи очилади. Бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейишади. Шунинг учун мен демоқчиманки, уйда аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ҳурмат-иззат, меҳрибонлик қайнона билан келинга боғлиқ. Қайнона қайнаганда келин айнимаслиги, келин адашганда қайнона оналик меҳри билан йўлга солиб қўйиши лозим. Шундагина тотув турмушга раҳна солинмайди, асаблар бузилмайди, оилаларда қўйдичиқдилар бўлмайди. Шу ўринда турмушга узатилаётган қизларимизга айтар гапим бор:

Жон қизим, улғайдинг,
бўй етдинг бу кун,
Ақлинг ҳам тўлишди,
фаросат юксак.
Онангдан ўргандинг,
ҳунар ҳам бутун,
Уй-рўзғор, турмушга
недурки керак.

Сени узатамиз севган
ёрингга,
Бошланур янгича
талаб ва ҳаёт.
Кўникиб улғайдинг
йўғу боримга,
Чидаш беришингга
имон кафолат.

Қайнона онангдир,
қайнотанг — ота,
Эринг қариндоши бўлур
қариндош.
Қиз-ўғиллар бўлса укангу
опанг,
Хизмат қил уларга бериб
кўп бардош.
Баъзан жанжал чиқар
гапинг, сўзингдан,
Ўтирсанг ўпоқ деб,
турсанг деб сўпоқ.
Баъзан айб топарлар
якка ўзингдан,
Дейишар ўпкалаб,
ақлдан йироқ.

Тинч-тотув яшасанг, биз
доимо тинч,
Невара кўрганда кўкка
етар бош.
Йўқолса ороминг,
бизлар ҳам нотинч,
Еган-ичганимиз
сингмас, бўлар тош.

Эрингга ер бўлсанг,
у бўлар кўрпа,
Рўзғорни тежасанг,
давлат сенга ёр.
Вафодор ёр бўлгин,
кўп хаёл сурма,
Ғаразли одатни
қилма ихтиёр.

Аҳлоқ, одобда ҳам
ўрнак бўла бил,
Эрлар бош бўлишса
кучли оила.
Рўзғорда аёллар ҳар
доим вазир,
Фарзандлар равнақин
ўйлайди она!

Серфарзанд бўлгину
давлатга учма,
Тежаму саҳоват бўлсин
йўлдошинг.
Мол йиғиб охири
ғамларни қучма,
Иззат қил доимо оила
бошинг.

Охирги сўзни Қумриниса гапирди: — Бу йиғилиш, онахонлар, ҳаммамизга ҳам фойдали бўлди, деб ўйлайман. Агар бундан кейин ҳам мана шундай тез-тез учрашиб, очиқчасига гаплашиб олсак, бу йиғинимизга бўлғуси қайноналарни ҳам таклиф этсак, маҳалламизда қўйди-чиқдилар, бекорчи жанжаллар бутунлай барҳам топади...

Онахонларнинг дил сўзларини қоғозга кўчирувчи:

Абдужаббор МАННОПОВ.

ҲАЁТ ЭРТАКЛАРИ

(Ҳикоя)

— МОМОЖОН, юзингизда ажи-бужи чизиқлар мунча кўп?

— Оббо, болам-ей, бу чизиқлар — турмуш ташвишларининг, ғамларининг асорати-да...

— Ғам дегани нима? Нега менинг юзимда шундай чизиқлар йўқ?

— Қўй, юзларингга ҳеч қачон чизиқ тушмасин. Ҳадеб бундай саволлар беравермагин. Катта бўлганингда ҳаммасига тушунасан. Кел, яхшиси сенга матал айтиб берайин!

— Яна «Шолғомбой»ни айтасизми? Йўқ, керакмас! Яхшиси «Қизғанчиқ қуён»ни айтинг. Йўқ, йўқ. «Бўри ва қўзичоқ»ни айтинг!

— Хўп, майли болам, фақат қимирламасдан жим ёт, хўпми, бугун жуда чарчадим. Охирги кунларда юрагим қаттиқ санчадиган бўлиб қолди. Қарилик қурсин, охири бир куни олиб кетади, жим болам, жимгина ётгин. Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри билан қўзичоқ бўлган экан, э, нимага йиғлайсан боласи тушмагур!

— Моможон, охиригача айтманг, бўлмаса бўри қўзичоқни еб қўяди!

— Хўп, майли энди айтмайман! Кап-катта бола йиғлагани уял-ей...

— Момо, нима учун кучугимизни итотарлар отиб кетишди, ахир ҳеч кимни қувмасди, қопмасди. Улар ёмон одамлар-а?

— Ким билади дейсан?..

— Мен катта бўлсам, учувчи бўламан, ҳаммани осмонга учираман, сизниям, отамниям...

— Онангниям...

— Йўқ, йўқ, керакмас, у ўлган!

— Ҳе, нафасингни ел учирсин. Ким ўргатди сенга бу гапни?

— Ҳамсоямиз Сайқал момо айтдику, онанг яхши бўлса, келар эди, сени момонгнинг қўлига ташлаб кетмаган бўлар эди, ўлган у, деди.

— Сайқал момонг аччиғидан айтган-қўйган. Ўзи бечора яхши аёл, кўнглида кири йўқ, менга ичи ачиб айтган-да... Онанг тирик, фақат узоқда, ишлари кўп, келолмайди... эҳ, Худо, бўлди, болам ухла, яхши тушлар кўриб ёт!

— Моможон, онам чиройлими?

— Ҳа, жудаям...

* * *

— ТЎХТА, Ўктамжон, мен сенинг онангман!

— Онам!.. Алдаманг! Менинг онам жуда узоқда. У жудаям чиройли! Сизнинг юзингиз ажир-бужир-ку...

— Ҳаёт мени шу қўйга солди. Мен жуда кўп адашдим, ҳаёт тўлқинларида узоқ сарсон-саргардон кездим. Кўп хатолар қилдим, хатоларим азобларга айланди. Бошим деворга «тўқ» этиб теккач... Отангни кўп ранжитдим, сени эса эмизикли чоғингда момонгнинг қўлига ташлаб кетдим... Эҳ, сенинг кўп нарсаларга ақлинг етмайди. Сен соф, беғуборсан, қалбинг булоқ сувидек покиза... Сенинг қалбинг оппоқ болажон, унга ҳеч қачон гард тегмасин. Кел, болам, қучоғимга бир босайин!

— Қочинг, сочингиздан совун ҳиди келяпти!

— Оҳ, болам, мендан қочма, ҳеч бўлмаса бир марта сенинг ширин ҳидларингга тўяй, бир мартагина бағримга босиб, алла айтай!..

— Алла? Йўқ, яхшиси матал айтиб беринг.

— Матал? Матал дегани нима? А, эртакми? Мен умримда ҳеч эртак айтмаганман, айтишни билмайман...

— Сиз ёмон хола экансиз! Менинг узоқ шаҳардаги онам жуда кўп эртаклар билади, келганидан сўнг айтиб беради. Кетдим момонинг олдига!

— Болам, болагинам! Тўхта!

* * *

ЯРИМ ТУН. Бутун қишлоқ осуда уйқуда. Яримта ой кўкда имиллаб сузиб, оламни кузатади. Кичкина уйчада кампир ва болакай эртак айтиша-айтиша ухлаб қолишди. Яна тонг отади, қуёш чиқади. Болақай тушида онасини кўради, оппоқ, харир либосга бурканган гўзал бир аёл ундан узоқлашаверади, узоқлашаверади, ҳаёт эртаги эса давом этаверади, этаверади...

Меҳринисо ҚУРБОНОВА.

ЯНГИ КАШФИЁТ

МИС-МОЛИБДЕН ҳамда қўрғошин-рухнинг ерости бойликларини қазиб олиш жараёнларини тезлатиш мақсадида махсус темир бактериялари намуналари яратилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Микробиология илмий-тадқиқот институти олимлари уларни кимёвий усулда яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш йўлида самарали изландилар. Тадқиқот натижалари ўзида олтин сақловчи хомашёларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш имконини ҳам берди. Бу Олмалиқ кон металлургия комбинатида жорий қилинганда яхши самара кўрсатди.

Микробиолог олимлар фаол бактерияларни ажратиб олишга ҳам муваффақ бўлдилар. Институтнинг сув ва маъдан микробиологияси лабораторияси илмий жамоасининг бу тадқиқоти ҳам қазиб олинаётган мис ва қўрғошинлар сифатини яхшилашга ёрдам беряпти.

Акбар АЛИЕВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахт ва Тошкент вилоятида 26-30 декабрь кунлари ҳарорат меъёрида бўлади. Фақат айрим ҳудудлардагина ёғингарчилик бўлиши мумкин. Вақти-вақти билан туман тушиб туради. Шарқдан ҳар сонияда 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечалари 1-6 даража совуқ, кундуз кунлари 1-6 даража илиқ бўлади. Ҳафта охирига бориб эса ҳарорат 7-12 даражагача кўтарилиши эҳтимоли бор.



БИРИ ЭМАС, БАРИ ЗИЙРАК

АЙНИ кунларда вилоятимизнинг барча мактабларида алифбо байрамлари ўтказилмоқда. Жорий ўқув йилининг ўзига хос хусусияти шундаки, 1-синф ўқувчилари тўлиқ лотин алифбосида сабоқ олишни бошлашган эди. Қайд этиш лозимки, аждодлари илмга чанқоқ бўлган жажжи фарзандларимиз ўз қобилиятларига яраша савод чиқаришни яхши ўзлаштиришмоқда.

Куни кеча Оққўрғон туманининг Олимкент қўрғонида жойлашган Низомий номли 46-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаётларидаги илк байрам — Алифбо байрами ўтказилди. Ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрган Дилоромхон Қўлдошеванинг шогирдлари ҳаммани ҳайратда қолдирди. Ўта синчков Барно Холиқова, Заҳро Абдуллаева, Ситора Ражабова, Малика Назарова ҳамда Нигина Меҳмонова сингари аълочи ўқувчилар нафақат саводхонликлари, балки ўта зийракликлари, санъатга шайдоликлари билан ҳам дугоналари орасида ажралиб туришди. Бундай кечада иштирок этган барча ўқитувчилар беҳад мамнун бўлишди.

А. ҲУСАНОВ.

СУРАТДА: бошланғич синф ўқитувчиси Д. Қўлдошева шогирдлари даврасида.

Муаллиф олган сурат.

Ўқинг, қизиқ!

ЗЕҲНЛИ ОДАМЛАР

♦ 1974 ЙИЛНИНГ май ойида ҳинд Бхандаита Висичара 16 минг саҳифадан иборат буддизм черков китобини бирор сўзини қолдирмасдан ёддан айтиб берган.

♦ ХИТОЙ фуқароси Гу Ян Линс 26 ёшида Харбинда истиқомат қиладиган 15 минг одамнинг телефон рақамини ёдида сақлаган.

♦ ОВРУПОЛИК Самвес Гарибян форс, чиғатой, бенгал ҳамда яна бошқа 10 тилда айтиладиган 1000 сўзни эсида сақлаб, ҳеч бир хатосиз, аниқ айтиб берган.

♦ ОДАМНИНГ фикри чуқурлашиб, ишга қобилиятлилиги ортиб бориш даври 18-20 ёш ҳисобланади. Ишга қобилиятлилиги 30 ёш чамасидаги кишида 4 фоизга, 40 ёш чамасидаги одамда 13 фоизга, 50 ёшлардагиларда 20 фоизга, 60 ёшлар чамасидагиларда 25 фоизга камаяр экан.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлаган.

ГАП КЎП, КЎМИР ОЗ...

ёки «Кўмир» ҳиссадорлик жамиятининг Ангрен конларида рўй берган талон-тарожликлар хусусида

ХАЛҚ хўжалигини қишки мавсумга тайёрлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу кўп жиҳатдан «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг меҳнатига боғлиқ. Чунки, вилоятдаги корхоналар, ташкилотлар ва хонадонлар учун қишнинг асосий ёқилғиси — кўмирни шу жамият етказиб беради. Фарзандларимиз таълим оладиган мактаблар, боғчалар ва даволаш муассасаларини ёқилғи билан таъминлаш ҳам шу жамоа зиммасида. Афсуски таҳлиллар бу борадаги аҳволнинг анча жиддий эканлигини кўрсатмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси мактаблар, боғчаларни таъминлаш учун бу йил корхонага 31 минг 894 тонна кўмирга буюртма берган. Декабрь ойи ўтиб боряптики, эндигина 20 минг 302 тонна кўмир олинди. Жумладан, Паркент тумани халқ таълими бўлими 3500 тонна ўрнига 1484 тонна, Бўстонлиқ 2660 тонна ўрнига 1040 тонна кўмир олди. Бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, кон жойлашган Ангрен шаҳри таълим муассасаларига 1024 тонна ўрнига бор-йўғи 240 тонна кўмир етказиб берилди, холос. Бунга молиявий ҳолатлар билан бирга аксарият ҳолларда «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг лоқайдликлари, ғалга солишлари, «бор отангга, бор онангга» қабилида иш тутишлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Халқимизда гап кўп, кўмир оз деган нақл бор. Лекин бу сўзлар «Кўмир» ҳиссадорлик жамиятига тегишли эмас. Чунки жамият кўмир конларида «гапдан» кўмир кўп. Аммо бу маҳсулот турли йўллар билан мактаб, боғча, шифохонага эмас, бошқа «мўмай» манзилларга кетиб қолмоқда. Бунинг сабаби ҳам маълум. Давлат нархи 1200 сўм турадиган 1 тонна кўмир «қорабозор»да 6-7 минг сўмга, Андижон томонларда эса 10 минг сўмга яқинлашиб қолди. Шунинг учун ҳам кўмирнинг «сараси» турли сўмқоқлар билан ўша томонларга йўл олмоқда.

Яна бир гап. Бу ердагиларнинг «ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлиб қолган. Қайси машинага қанча кўмир ортишни ҳам ўзлари ҳал қилаверадилар. Шунинг учун қоғозда 6 тонна юк бор деб ёзилган машинадаги кўмирни қайта тортсангиз, 8-9 тонна чиқаверади.

Хуллас, гап кўп... Энди бу гапларнинг исботини эшитинг:

Ангрен «Кўмир» конида шартнома асосида Андижонга юк ортган МАЗ-500 русумли Маъруф Рашидов бошқараётган давлат рақами 17 В 6441 бўлган машина тўхтатилиб, кўмир қайта тортиб кўрилганда, ҳужжатдагидан 2250 килограмм кўп чиқди. Текшириш давомида маълум бўлишича, кўмирни Бекобод туманидаги Ойбек жамоа хўжалиги ижарачиси Азиз Холматов ва унинг раҳбари, шу хўжаликнинг катта ижарачиси Сулаймон Тенглашевлар ҳозирда шахси аниқланаётган Андижон фуқаросига оширилган нархда «ошириб» юборишмоқчи эканлар.

«Кўмир» ҳиссадорлик жамиятининг Ангрен кўмир конининг раҳбари Иброҳим Тенглашев яқинларига бир сафар хотамтойлик қилса қилгандирда, дерсиз. Йўқ, бу ҳаммаси эмас. Ҳиссадорлик жамиятига қарашли Ангрен ҳавзасидан Андижон вилоятидаги «Эркин» ЛТД фирмаси учун КаМАЗ 5320 русумли давлат рақами 17 В 6111 юк машинаси ҳайдовчиси А. Мирзараҳимов ҳам ҳужжатдагидан 2650 килограмм ортиқ кўмирни ортиб дадил ғизиллаётганда ушлаб қолинди.

Ангрен шаҳар «Чинобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Ўктам Аҳмедов бошқараётган КаМАЗ-5511 русумли давлат рақами 11 В 8561 бўлган юк машинаси тўхтатилганда ҳайдовчининг ва бу машина тегишли бўлган Ангрен шаҳар фуқароси Абдуллажон Эшматовнинг ранглари оқариб кетди. Чунки Чирчиқ шаҳри томон равона бўлган бу юк машинасидаги 3500 килограмм кўмир мутлақо ҳужжатсиз эди.

Бу ҳам ҳолва. Чиллаки чиллакини кўриб чумак урар экан. «Кўмир» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 9-шахта раҳбари Рефат Муртазоев «сахий»ликда қўшнилардан ҳам ўтиб тушди. Акс ҳолда Андижон вилоятидаги «Омад» ЛТД корхонаси учун КаМАЗ 5320 русумли давлат рақами 17 В 4824 бўлган Улуғбек Отахонов бошқарувидаги юк машинасига ортилган кўмир қайта тортилганда ҳужжатдагидан 3900 килограмм, шу корхона учун Одилжон Хакеров бошқараётган КаМАЗ 5320 русумли давлат рақами 17 А 9980 бўлган юк машинасидаги кўмир ҳужжатдагидан 4100 килограмм кўп чиқармиди?!

Фельетон ўрнида

Шуниси ачинарлики, сўнгги пайтда конда майда талон-тарожликлар ҳам кўпайиб бормоқда. 1998 йилнинг ўтган даврида 67 киши ана шундай ноқонуний ҳолатда ушланди. Ангрен шаҳар ички ишлар бошқармаси қошидаги қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан ушланган бу ташмачилар 85 минг 951 сўмлик кўмирни гумдон қилмоқчи бўлганлар. Ангрен шаҳар суди талончилардан 121 минг 600 сўмни жарима сифатида ундириб олди.

Бегники бежоғлиқ деганларидек назорат йўқлигини кўрган Хиссадорлик жамияти Ангрен кони бошлиғи ўринбосарининг ҳайдовчиси Рафик Аширов ўзининг УАЗ маркали хизмат машинасида 590 килограмм кўмирни олиб чиқиб кетаётганида тумшуғидан илинди ва 1000 сўм жарима тўлади. Айни кунларда юқоридаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Улар тегишли жазосини олар ҳам дейлик...

Лекин нега мактаб, боғча, қасалхоналарга, аҳолига зарур бўлган ёқилғи бунчалик талонтарож бўлмоқда?! Наҳотки буни ҳиссадорлик жамияти ва унинг корхоналаридаги каттаконлар билишмаётган бўлса, деган ҳақли саволлар туғилади. Бизнингча, жуда унчалик эмас. Аслида бунинг тагида бошқа гап, тўғрироғи шахсий манфаат ва нафс балоси бор. Шу боисдан ҳам улар машиналарга шартнома ҳужжатлардаги ортиқча ортилган кўмирни кўриб кўрмасликка олишмоқда.

Яна шуниси ажабланарлики, кўмир юк машиналарига бевосита коннинг ўзидан ортиб берилмоқда. Бу Низомда белгиланган тартибга мутлақо хилофдир. Аслида маҳсулот кондан четроқда жойлашган махсус омборлар орқали тарозиларда аниқ тортилиб, савдо қилиниши керак.

Ўйлаймизки, энди ҳиссадорлик жамияти ва Ангрендаги кон раҳбарлари бу меъёрий қонунга амал қиладилар ва мамлакатнинг қимматли бойлиги бўлган кўмирнинг талон-тарож қилиниишига тўсиқ қўядилар.

Зоирхўжа МАҲАМАДХЎЖАЕВ, Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси қошидаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи.

Қибрай туманидаги Абдулҳамид Чўлпон номли 37-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Нортоев Абдумажид Абдурашидович номига берилган А 442273 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги «ЗУРЕДА» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 42-60-33 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Миробод туманидаги «ГЕОКОМП» масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 77-43-16 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги «МАШҲУРАБЕГИМ» хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 90-96-41 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Вилоят ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг қурилиш, уй-жой, коммуникация масалалари котибияти етакчи мутахассиси Йўлдош Тешабоевга акаси **Карим ТЕШАБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0595. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 7.856 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6